

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 НОЯБРЬ, СЕШАНБА № 223 (721). Сوتууда еркин нарда. 1993 йил.

# ХИРМОНЛАРИНГ ТОҒДАН-ДА ЮКСАК, АНДИЖОН, ЗАФАР МУБОРАК!

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

15 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги факултода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Пол Бернин қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлигини топширар экан, мамлакатининг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида иш бошлаётганидан фахрлигини ифтоҳ билдирди.



СУРАТДА: қабул пайти. Р. ЖУМАНИЕЗОВ тасвири. Маросимда республика мухтор Саидқосимов ҳозир бўлди. (Ў.А.)

Ўзбекистон Президентининг жаноб Пол Бернин масъулиятли ва шарафли вазифа билан қўлади. Халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар равақ топиши йўлида элчи жаноблари ўз ҳиссасини қўшажаги умид билдирди.

— Биз Буюк Британиянинг халқаро майдондаги нуфузини ҳурмат қиламиз, — деди Президент Ислам Каримов. — Ишонч ёрлиғи топшириш маросими Ўзбекистон делегациясининг бу юртга сафари арафасида ўтаётгани ҳар икки томон

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

жаноб Александр Пол Эйкорт Берн



1937 йил 9 январда туғилган. Маълумоти— олий. 1958 йилда Кембриж университетини археология мутахассислиги бўйича тугатган.

1959-1961 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигида учинчи котиб.  
1961-1963 йиллар — Буюк Британиянинг Венадаги элчихонасида учинчи котиб (Австрия).  
1963-1965 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигида иккинчи котиб.  
1965-1968 йиллар — Буюк Британиянинг Техрондаги элчихонасида иккинчи котиб (Эрон).  
1968-1970 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигида биринчи котиб.

1970-1972 йиллар — Ливандаги араб тадқиқотлари марказида ўқиган.  
1972-1975 йиллар — Буюк Британиянинг Абу-Дабидаги элчихонасида биринчи котиб (Бирлашган Араб Амирликлари).  
1975-1977 йиллар — Буюк Британиянинг Қоҳирадаги элчихонасида биринчи котиб (Миср).  
1977-1980 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигида биринчи котиб.  
1980-1984 йиллар — Буюк Британиянинг Афинадаги элчихонасида биринчи котиб, кейинчалик маслаҳатчи (Греция).

1984-1985 йиллар — Буюк Британиянинг Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигида ишлаган.  
1985-1987 йиллар — Буюк Британиянинг Гонконгдаги қуроли кучлари қўмондонлиги снэйсй маслаҳатчиси.  
1987-1992 йиллар — Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигида маслаҳатчи.  
1992-1993 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигида бош тадқиқотчи ходим.  
1993 йилдан — Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили.  
Уйланган, бир ўғил, бир қизи бор.  
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг муваққат шўбаси.

## ФАОЛЛАР КЕНГАШИ

Қарши туманида бўлган ўтган Қашқадарё вилояти фаоллари кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда баравар тулов воситаси сифатида «Сум-Қўполларни муомалага киритиш тўғрисида» қарорининг қай йўсида амалга оширилиши масаласига бағишланди.

Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А. Муталов, Қашқадарё вилоят ҳокими Т. Хидиров сўзга чиқдилар.

## БАНК БОШҚАРУВИ ЙИГИЛИШИ

Шу йил 13 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Йиғилишда миллий банкнинг вилоятлардаги шох-боқчалари раҳбарлари ва мутахассислари қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида ва яқинда республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда сўзлаган нутқидан ўзгича қўйилган вазирлар маҳкамаси қараридан, банкнинг туқизи оё мобайнидаги фаолиятига яқун ясалди ва 1993 йил охирига қилинадиган ишлар белгилаб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида миллий валютанинг жорий этилиши муносабати билан банкнинг бўлимлари айниқча аниқ ва ушшоқлик билан ишлаши зарурлигида алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирларда алоҳида эътибор қаратилди.

## ИЖАРАЧИ ҲОСИЛНИ ИККИ ҲИССА ОШИРДИ

«НАВНҲОЛ» ижара гуруҳи пахта ҳосилини уч йилда икки баробар оширди.

МЕҲНАТОБОД туманидаги «Янгиер» давлат хўжалигининг Шомурод Худойқўлов бошлиқ бўлимида ижара усули жорий этилмасдан олдин, яъни 1990 йилда ҳосилдорлик 15 центнердан сифати хом ашё йиғиб-териб олинди. Бундан ташқари илгари бўлим ерларида фанат пахта еттиштирилса, энди галла, сабзот экилляпти. Хатто, 7 танов ердаги анорзор ҳам ҳосилга кирди.

## Ўзбекистон тарихида муҳим иқтисодий-снэйсй воқеа ҳисобланган сана — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кунини муносабат қилиш

Ўзбекистон тарихида муҳим иқтисодий-снэйсй воқеа ҳисобланган сана — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кунини муносабат қилиш ва уни умумхалқ байрамга айлантиришга доир тадбирлар ишлари қизғин бошлб юборилди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Рамси вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари бошчилигида 14 та ташкилий қўмита тузилди ва уларнинг йиғилишларида тадбирлар белгилаб олинди.

Жойларда меҳнат ва уруш фахрийлари, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда болалар уйлари тавбияланувчиларнинг ҳола-ҳоллари ҳабаб олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириш мақсадида рўйхатлар тузилмоқда. Биргина Наманган вилоятининг шундан 3 миңдан кўпроқ худди шундай кишилар рўйхати олинди. Бундай иш бошқа вилоятларда ҳам олиб бориламоқда.

8 декабрь 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини

## Катта тўй арафасида

Жойларда меҳнат ва уруш фахрийлари, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда болалар уйлари тавбияланувчиларнинг ҳола-ҳоллари ҳабаб олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириш мақсадида рўйхатлар тузилмоқда. Биргина Наманган вилоятининг шундан 3 миңдан кўпроқ худди шундай кишилар рўйхати олинди. Бундай иш бошқа вилоятларда ҳам олиб бориламоқда.

Жойларда меҳнат ва уруш фахрийлари, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда болалар уйлари тавбияланувчиларнинг ҳола-ҳоллари ҳабаб олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириш мақсадида рўйхатлар тузилмоқда. Биргина Наманган вилоятининг шундан 3 миңдан кўпроқ худди шундай кишилар рўйхати олинди. Бундай иш бошқа вилоятларда ҳам олиб бориламоқда.

Жойларда меҳнат ва уруш фахрийлари, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда болалар уйлари тавбияланувчиларнинг ҳола-ҳоллари ҳабаб олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириш мақсадида рўйхатлар тузилмоқда. Биргина Наманган вилоятининг шундан 3 миңдан кўпроқ худди шундай кишилар рўйхати олинди. Бундай иш бошқа вилоятларда ҳам олиб бориламоқда.



Тарихиндир мин асрлар ичра тинхон ўзбегим



Като Кюзо Далварзиптепада

бу тулган сув тулдирилган ханда билан уралган. Бу — мухофазанинг бир усули. Маълумотларга қараганда, шаҳарнинг битта дарвозаси бўлган. Бу ҳам қадимги шаҳарларга хос белги. Урта асрларга келиб, шаҳар дарвозалари қулайган. Буни Тошкент, Самарқанд мисолларида кўриш мумкин.

1972 йил 25 сентябрь өкспедиция ҳаётида унутилмас кун ҳисобланади. Биз бир бино пойдеворини тозалаётгандик. Пойдеворнинг баландлигини аниқлаш учун чуқурроқ қаза бошлаган эдик, сопол кўза чиқди. Кўза лиқ тўла тилла тақинчолар, ёмбилар... Утизи олти килограмм! Хаммаси антик даврга тааллуқли. Бу хаёзнани пулга айлантирилганда бир неча юз миллион сумдан ошиб кетади. Тақинчоларнинг эса санъат асар сифатида, бахоси йўқ! Умуман уни баҳолаш мумкин эмас. Эрамининг иккинчи асрига тааллуқли бу санъат асарлари ҳозир Тошкентдаги «Антик буюмлар» музейда сақланмоқда.

— Бундай катта ҳазина топган киши сифатида сизни мукофотлашган бўлса керак? — Албатта. Менга икки ойлик миқдорда мукофот пули беришди. Бундан ташқари мен уша пайтда уч қонали уй олишим керак эди. Мукофот тарихисидда беш қонали уй беришди. Энг муҳими, экспедициямизга катта



Эрамининг II—III асрида ясалган ҳайкал.

Биз Далварзиптепа деб атаётган шаҳар Кушон империясининг пойтахти бўлган. Бу империянинг кудратини тасаввур қилмоғингиз учун бир фактни айтишимиз керак. Уша пайтда Хитойдаги Хань, Ғарбдаги Парфия ва Рим салтанатлари билан рақобатлашган. (Аммо эрамининг учинчи асрига келиб бу салтанат иқтидорга уч-

орасида осоршунос-профессор Танаби ҳам бор эди. Ҳа бундан биз Танаби билан бирга Далварзиптепада ишладик. Ассосан бу ерда ибодатхонасини ўргандик. Ингирмата қимматбаҳо танга топдик. Улар эрамининг II—III асрига тааллуқли. Илмда тангалар худди китоб сингари ўқилишини айтсам, қандай бойлиқни кўлга киритганимизни тасаввур қиласиз. Биз шундай хулосага келмоқдамизки, Далварзиптепа Рим билан Хитойни боғлаб турган «Буюк йўл»нинг бир бекети бўлган. Келгуси йил бу йўлнинг ҳамкорлигининг натижаларига бағишланган китоб Японияда чоп этилиши мўлжалланмоқда. Ҳажми тахминан 15 босма табоқ бўлади. Китоб бир вақтингиз ўзидан инглиз, япон ва ўзбек тилларида нашр қилинади.

Сиз ҳамкорлигининг натижалари ҳақида кўп сўзланганди. Мен эса бизни бу ҳамкорликка олиб келган муштараклик ҳақида сўзламоқчиман. 1932 йили Айришдаги қазини ишлари чоғида қўшнай чалиб турган одамнинг ҳайкали топилган. Ҳайкал эрамининг дастлабки асрларига тааллуқли. Худди ана шундай қўшнай ҳозирги япон чолу асосан қазини ўргатганда алоҳида маълум қилади. Яна: Самарқанд яқинидаги Панжикентда тўқилган мато (VI аср) ҳозир Япониядаги императорнинг хазинахонасида сақланмоқда. Яна: Кушон империясидаги ҳайкалтарошлар билан япон ҳайкалтарошларининг ҳайкал ясаш усули бир-бирини таққорлайди. Шундай ва шунга ўхшаган жуда кўп далиллар бу икки халқнинг жудам яқинлигини, ҳамкорлигидан далолат беради.

Энди эътиборингизни масаланинг бошқа бир жиқатига қаратмоқчиман: ҳозир Японияда императорнинг хазинахонасида эрамининг VII—VIII асрларга келиб араблар Далварзиптепани батамом ҳалокатга учратдилар. Обод шаҳарни тупроқ босди. Босқин тўғайли ёзув йўқ бўлди. Уша пайтлар Бақтрияда юнон ёзуви бўлган. Мен кўп йиллардан бери Сурахонларда қазилма ишларини олиб бораман. Ўзбекистон, ёзув топилайман! Ахир дунёдаги энг кучли империялар билан рақобатлашган Бақтрия тупроғида бундоқ бўлиши мумкин эмас! Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Эрамининг I асрида Бақтрия тупроғида қалинган қўшнай ҳозир Японияда ҳам қалинлигини айтган эдим. Гап ана шу ҳақда. Кушон империяси Японияда узоқ ўзлақларга тасир қилган, ўзининг маданиятини, санъатини ўзлақларга элиб бериб, унинг иттифоқлари йўқ! Японлардек ўз тарихини гоят хурмат қилмаган ва авайлаб сақлаётган мамлакатларда Кушон империясининг, Далварзиптепанинг мукамал тарихи бўлиши керак. Бундай мамлакат бўлди тарқалган барча мамлакатларда бор. Мен бунга қаттиқ ишонмаман. Дунёнинг қаерларида турган юкма, биз бу ерда ҳатто Далварзиптепанинг асл номини билмай алоҳида жуда алам қилади.

Энди масаланинг яна бошқа жиқатига эътибор қилишимиз керак. Мен олтинчи еттинчи йилдан бери Далварзиптепани кўзлаб келманман. Оёғи осмондан келган салтанат фарқи бўлган неча қабил тупроқ ўстида ётибди. У бизнинг ўттиз мишимиз, тарихимиз. Уни тупроқ юзасига олиб чиқмоқ керак. Менан ишларим денгиздан қолмади гап. Энг муҳими, Далварзиптепа шундай афродитга ёлғиз шаҳар бўлмагандир, ахир!

Тоғидинг РАЗЗОК, «Халқ сўзи» мухбири.

РИМ БИЛАН РАҚОБАТЛАШГАН ДАЛВАРЗИН

ЕХУД ВУДДИЗМ ЯПОНИЯГА СУРХОНДАРЕДАН БОРГАНМИКАН? ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН САЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ БУЛИМ МУДИРИ, ТАРИХ ФАЙЛАНИ НОМИДО, АРХЕОЛОГ БАХОДИР ТУРГУНОВ БИЛАН СУХБАТ

асрларига тўғри келиб, ҳар бир топилма фан оламида катта янгилик эди. Ана шундай сўнг Далварзиптепани ўрганишга киришди кетдик.

— Баҳоидир ака, шу ўрнида бир нарсасга аниқлик киритингиз: «Далварзиптепа» деган ном қандай талқин қилинади?

— Далварзиптепа ўрнидаги биз очайтган шаҳар эрамининг бошларида гуллаб-яшнаган. Аммо уша пайтда бу шаҳарнинг оти нима бўлганлиги ҳали бизга номаълум. «Далварзиптепа» деган номин эса ўтган ва ундан олдинги асрларда яшаган боболаримиз қўйишган.

— Биз эса «Далварзиптепа» қадимги шаҳарнинг номи деб юрар эдик...

— Археология оламида «Дилбаржин» деган сўз бор. Бу ҳам антик даврга тааллуқли. Ким билди, ана шу «Дилбаржин» замонларнинг ўтиши билан «Далварзиптепа» айланмоқчи бўлганми? Энди, бу — тахмин. Ўзбекистон, фан фақат тахминларга таянмайди. Халқ озаки ижодидан фарқи ҳам шунда. Аммо фан тахминларисиз ҳам иш қўрилайми. Тахмин — фаннинг охириги илминки.

Хуллас, уша олтинчи еттинчи йилдан бошлаб Далварзиптепани ўрганиш сурункали тус олди. Бу юмуш ассосан меннинг зиммама тугиди. Мен ўша йили Далварзиптепада 12 хондан иборат туҳнамадан уйини топдик. Ундан жуда кўп урчиқбошлар, сопол буюмлар чиқди.

Шаҳар 36 гектар майдонни ишғол қилади. Шунинг икки гектари подшо қароргоҳи. Қароргоҳ шаҳардан баландда жойлашган. Уша давр таомилга мувофиқ



Тупроқ остидаги Будда ибодатхонасини «кашф этиш».

имкониятлар яратилди. Илгарилар экспедиция қишлоқда бировнинг уйини, хонасини вақтинчаликка ижарага олар, шу ерда ҳам ишлар, ҳам истиқомат қилар эди. Ҳазинани топганимиздан сўнг бизга алоҳида иморат ажратилди.

Ишларимиз юришиб кетди, саксон учинчи йилда яна бир Будда ибодатхонасини топдик. Ибодатхонадан лой ва ганчан ясалган йингирмата ҳайкал чиқди. Худди шу йиллари бу ердан икки дона шохмоқ синоҳи ҳам топдик. Бу топилма шохмоқ тарихи оламида жуда катта шов-шув бўлди. Шохмоқнинг тарихи тўрт юз йилга сурилди. Синоҳлар фил суягиндан ясалган эди. Ана шу фактингиз ўзи ҳам бу ерда санъатнинг, маданиятнинг, демакни, маърифатнинг гуллаб-яшнаганидан далолат беради.

райни. Пойтахт Амударёдан нарига ўтиб кетади). Энди гапингиз бу ёғини эшитингиз. Япониянинг Нара шаҳрида «Ипан йўли Нарага боради» деган кўрғазма бор. Ана шу кўрғазма тахминан чиларидан бери, профессор Като Кюзо Тошкентга келганида биз ибодатхонадан чиққан ҳайкалларни унга кўрсатдик. Профессор учта ҳайкални таниди. Биз ана шу ҳайкал билан кўрғазмага қатнашдик. Шуниси қизиқки, буддизм Японияга олтинчи асрда борган. Демак, биздан кейин. Худди шу даврда буддизм биз тарафларда ниқорозга учраган. Энди савол туғилади: буддизм Японияга биз тарафлардан бормадикиан? Бу — тарихий ҳақиқат. У қурулгидан борганим, сув йўлидан? Япония олимлари ҳозир ана шу масалалар билан қизиқибмоқда. Халиги кўрғазма ҳам шунинг учун

ни бирга ишлашга тақлаф қилдик. Саксон тўққизинчи йилнинг август ойида улар саккиз нафар бўлиб, Далварзиптепага келишди. Қирқ кун ҳамкорлик қилдик. Яна ҳайкаллар топдик, тадқиқотлар ўтказилди.

Профессор Като Кюзо Токиодаги Сако деган хусусий дорилдунудда хизмат қилади. Квантун армияси сафига бўлганлиги учун уруш чоғи асрига тушиб, Красноярск улкансидан дамоқхоналарда ётган. Урис тилини билди. Ана шу одам ўтган уч-тўрт йил давомида биз билан қилган ҳамкорлик қилди. Навбат билан биз Японияга бордик, улар Далварзиптепага келишди. Хусусий ҳомийлар ёрдамида амалга оширилган ёрдамида корбиннинг мудатлари ҳам тугаб бормоқда. Шу йилнинг ёзида Хироама деган бадавлат расмон рақбарлигинда бир гуруҳ япон олимлари Ўзбекистонга келишди. Улар



РУСТ ЯНА ЎЗИНИ КўРСАТДИ

КРЕМЛЬ майдонига кичин самолётини қўндирган учувчи-авиаторист Матвеев Руст бу сафар ўз аватинида яна бир «хурматча қилди» қилди.

ОНАСИНИНГ эркакони бўлган Руст ҳамшира қизга сўйқалиб, ўрламоқчи бўлди, аммо мақсадига эришолмай, бечора ҳамширага пиқоқ уриб жароҳатлади. 2,5 йил муддатга қамалди. Бироқ у яқинда онасининг «Мерседес» машинасида қамқонхони мағрурона тари этди. Немис қонунларида қўра намуналии худк-атворли маҳбусларни суд ярим муддатини ўтаб бўлгач, озодликка чиқариши мумкин экан.

АЛЛОҲ АСРАДИ

АГАР шундай бўлмаса, еттинчи қаватдан бетон ёрга қулаб тушган болаёни омон қолармикан!

НЬЮ-ЙОРКДА юз берган бу ҳолисидан врачлар ҳам хайрон. Шундай баландликдан бетонга тушган беш яшар болаёни ҳеч қаери синамаган, ҳатто бирор ери шиллинмаган. Фақат шуниси борки, энди болаёни онаси жавабгарликка тортилшини мумкин. Чунки шаҳар қонунига кўра 10 ёшга тўлмаган бола бор уйлارнинг деразаларида темир панжара бўлиши шарт экан.

БАЛИҚЛАР ДЕЛЬФИНДАН НЕГА ҚОЧИШДИ?

ЯПЛАДА биринчи халқаро «Биллур дельфини» санъат мугълифствали ўтаётган пайтда мўъжиза юз берди.

ЖАНУБИЙ соҳилда оқим тез ўзгариб, ҳарорат кескин пасайиб кетди. Натижада балиқлар гала-гала бўлиб, ўларнинг қирғоққа уриши. Одамлар эса уларни дуч келган идиш билан — чела; тўр, ҳатто қўйлақлари билан тутишди.

Маълум бўлишича, балиқларни қирғоққа биллур эмас, балки ҳақиқий дельфинлар ҳайдаб келган экан.

ЭЛЕКТР УСТАРАДА... ДАВОЛАНДИ

АМЕРИКАЛИК Б. Келли кўп вақтинчи балиқ оғиди ўтказди. Бу, биринчидан, унинг совмики машғулоти, иккинчидан, балиқ ишиси учун теким оғиди.

БИР КУНИ Келли шамоллаб, қулоғи қаттиқ еликди. Дори-дармон фойда бермади. Ноқулайликдан соқолини электр устарада олишга ўтди-ю, оғриқ бўшшганини сезди. Эртасига электр устара билан ёноқларини ўн дақиқа давомида ишқайди. Бу машғулоти яна уч кун тақорлади. Шундай қилиб, бемор касалдан бутунлай фориг бўлди.

Бироқ врачлар бундай усул вақтинчалик бўлиши мумкинлигини айтишди.

ЭЧКИ ҚАНЧА АРАҚ ИЧА ОЛАДИ?

НОВОСИБИРСК ҳайвонот боғидаги бурама шохли эчки бир ишча арақ «ичиб» ҳаром қотди.

НОМАЪЛУМ кимса кечаси ҳайвонот боғига кириб, эчкининг оғзига бир ишча арақ қўйди. Табиийки, пиянсталикка «ўрганмаган» жонивор ичкиликни «қутармай» ўлиб қолди.

Ҳайвонот боғи директори Р. Шилловнинг таъкидлашича, сўнгги ойда иккита кўнгилсиз ҳол юз берди. Вирда безорилар майдунинг думини узоқ ташлашган, иккинчисидан эса айиқполвон маст кишининг қўлини сугуриб олдан.

ЭЛЕКТР ТОКЛИ ЭГИЗАКЛАР

Уч ЕШИЛ эгизаклар — Москва ва Шарийга қўл текнизишдан нафқат эчкилари, балки ота-оналари ҳам кўришмади.

БОЛАЛАР баданида шундай электр заряди борки, уларга қўл текнаниларни тон ургандек бўлади. Эгизакларнинг онаси Залла Абу Бакир биринчи марта шундай ҳолга тушиб, дарҳол врачларга мурожаат қилди. Тешириб кўрган мутахассислар эгизакларда олди болаларга нисбатан ҳеч қандай фарқ йўқлигини аниқладилар.

ГАРОЙИБ ДАРАҚ

КУПИМА олимлар ва АҚШ Миллий тадқиқот кенгаши иим (мелия) дарати тусусида шундай хулоса келишди.

ҲИНДИСТОН ва Бирма мамлакатларида учрайдиган бу даратқ ўйлиги, ёғоч-тахта ва лампалар учун мой мамлакат хизматини ўтади. Унинг уруғи ва япроқлари ташининг емирилиши, бир қатор юқумли касалликлар, шамоллаш ва яра-қақа тошшишини олдини олиш хусусиятига эга. Ҳатто ундан ҳомилали бўлишдан сақланишда фойдаланиш мумкин.

СОЯ ДОНИ ФАҚАТ ОВҚАТ ЭМАС

БУ ДУККАКЛИ додан фойдаланиб, босмакхона бўйларини тайёрлаш мумкин экан.

БУНДАЙ бўёқларнинг ранги тиниқ, ишлатиш осон, атроф-муҳитни кўп ифлослантормайди. Ҳозир соя ердамида тайёрланган бўёқлар АҚШдаги газета босмакхоналарида нефть махсулотларидан тайёрланган бўёқлар билан кескин рақобатга киришмоқда. Гингант босмакхоналар шу бўёқча ўтиб бўлишди.

НАЙРАНГБОЗ НАЙЗАБОЗ

ШУ ЙИЛ февраль кунларида Токио шаҳридаги илларнинг бирини айланибга ёй ўқи санчилиқ ўрни пайдо бўлган.

ШАҲАР ҳокимияти бу ўрдаки тутишни буюрди, мутасаддилар бир ой деганда уни аранг тутишиб, бечорани азобдан халос этишди. Яқинда эса воқеа тақорланди. Спортчилар намондан отишадиган ўқ бу сафар ёш қазини елмасига санчилиди.

Жиноятчи, хайриятчи, миршабхонага ўз оёғи билан келди. У неврастения касалига чалинган тақсони экан. Ҳалининг айтишича, қўчадаги турнақатор машиналар шоқинидан асаблари бузилиб, ҳақиқатан ҳам икки марта намондан ўқ узган экан. Афусиски, нишонсиз отилган ёй, ўқи бир гал удратка, иккинчисидан бечора қизга тегди.

БАДАНИ... РЕЗИНАДАННИ ДЕЯСИЗ

ТАНЗАНИЯНИНГ Додома шаҳридаги қаҳаронлардан бирига ишга жойлашган ирландияли Нейл О'Брайде кўз кўриб, қулоқ эшитмаган «кўришни» намойиш этмоқда.

ҚАҲВАХОНА эгаси билан шартнома тузган Нейл элгани чинади-да, ўтирганларга мурожаат қилди: «Хоҳлаган Бирож ҳеч ким бу жўнгина киушини удадай олмайдди, чунки миқ резинага теккан қанби орта қайтиб кетаверади. Нейлнинг сонид эса ҳеч қандай из ҳам қолмайдди. Фақат илмингиз учун теккан жой қандай қизаради, холос. Ҳозирча тиббиётчилар бу ишга эришчилмапти. Нейл эса қаҳвахона эгасига ҳам, ўзингиз ҳам қўри кўри мўмай даромад келтирмоқда.

ПРОФЕССОРЛАРГА АТАЛГАН... БОМБА

АҚШ Федерал ҳукумати қўлга тушмас жиноятчи тўтиб барган ишига миллион доллар мукофот белгилади.

НОМАЪЛУМ жиноятчи 1978 йилдан бери мамлакатнинг ҳамма бурчакларига почта орқали портовчи кўрилма жўнатиб келди. Федерал қўдриву бюроси бир неча ўн иккинчи ўлим ва мажрўб бўлиб қолганига олиб келган камда 14 та портлаш ҳолатини аниқ шижюнт чидан қўрапти. Қизинг шунданки, бу шахс босмакхона фақат университетларнинг профессорларига, авиация ёки компьютер индустриясига алоқадор мутахассисларга жўнатди.

Кўкдумалоқда нима гап?

МАМЛАКАТ КЎЗ ТИКИБ ТУРИБДИ

(РЕПОРТАЖ)

Нефть мустақиллигига эришимиз — энг муҳим вазифадан бири. Ўзбекистон икки йиллар кўндалма нефтьга эътиборини ўзи таъминлаш иерак. Шу мақсадда илгир нефть конлари топилаётган. Аниқлашларини эса тезроқ ишга тушириш чоралари қўриляпти.

Мутахассисларнинг фикрича, Қашқадарь вилоятидики Кўкдумалоқ нефть кони икки-уч йилдан кейин библик бери бошлайди. Ҳозир бу ерда ҳамма диққат-эътибор конини ўзлаштириш, том ашёсини сановат асосида қайта ишлашни илгга қўйишга қаратилмоқда.

— Бизда илп вахта асосида ташиқ этилганга — деди 77-кудуқ бригадани Шоди Хидиров, пармалаш ишлаш неча-кунда 2880 метр ой майдонда 2880 метр кудуқ қазилди. Яқин кунларда кудуқ сановатларга топширилади. — Ҳозир бу ерда Бухоро ҳамда Муборак пармалаш ишлари бошқарма

Бу ерда нефть захираси катта. Ҳозир 14 та кудуқда бургулаш ишлари давом этиляпти. Муборак пармалаш ишлари бошқармаси бошлиғи Хайридин Мухторовни суҳбатга тордик.

— Бошқармаимизни республикадаги эмас, балки Россия, Қозғистон, Эрон, Афғонистон, ҳатто Саудия Арабистонда ҳам библишади. Чунки у ерларда қўлаб пармаловчиларимиз ишлаб келган. Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятлари ҳудудидан деярли барча конларни бизнинг бурғилорчи пармалаган, десам хато бўлмайдди. Аниқ пайтда улар Кўкдумалоқ, Алан ва

Денгизкўл нефть-газ конларини бурғилаш, Шўртган та газ кудуқларини таъмирлаш билан банд. Бу йил 35750 метр кудуқ қазиниш режалаштирганимиз. Кўкдумалоқда тўртта нефть кони, Аланд бешта, Денгизкўлда эса учта газ конини топширишимиз лозим. Туққиз ойлик режаларини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажардик. Ҳозиргина Кўкдумалоқда тўртта, Денгизкўлда учта, Аланд иккита кон қазилиб, фойдаланишга топширилди. Ишда бундай катта ютуқларга эришишда пармалаш усталари Шоди Хидиров, Қосим Шодиев, Умар Сирожев раҳ-

барлик қилаётган бригада жамоаларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Кўкдумалоқ нефтига бутун республика кўз тикиб турибди. Унинг конлари қачон тўла ишга тушади?

— Конларни навбат билан ўзлаштириш режалаштирилган. Унинг биринчи навбати 1995 йил охиригача ишга туширилади. Режага кўра, 96 та кудуқ фойдаланишга топширилиши даркор. Энг муҳими, Кўкдумалоқ нефть қайта ишлаш учун Фарғонага юборилади. Бухоро вилоятида махсус завод қуриляпти. Уни ҳам 1995 йил ишга тушириш мўлжалланган.

— Хайридин ака, қаерда одамларга етарли гамхўрлик қилинса, ўша ерда иш умумли бўлади.

— Гапингизни тушунидик. Бизнинг ўз ердимиз кўндалганимиз бор. 170 гектар майдонга галла эккан эдик.

Ҳосил яхши бўлди. Қўй, қўча, қорамол боқатпимиз. Ердимиз хўжалигимиздан олтинга махсулотларни ишчиларга арзон нархда сотаями. Кўкдумалоқда ишлаётганлар доимо эътиборда. Ҳар бир кудуқ ёнида охиона ишлаб турибди. Янаш учун вагонлар етарди. Кўкдумалоқ ва Аланд сифатли топширилган ҳар кудуқ учу 2,5 миллион сум миқдорда мукофот ажратилди. Ҳар кун ишчиларга 350 сумдан оғват пули, таътил қўнғуқчиларга эса бир ойлик маоши миқдорда моддий ёрдам берилаттири.

Ҳа, Кўкдумалоқда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳадемай ёлп бағрида янгириб кўтган «қора олтин» Ўзбекистоннинг нефть мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Э. ЖҲРАЕВ, А. ТАИПАТОВ, (ҒаА).

Инобат ОЙДИН

ДИЛ ИСТАР ТОЗА СЎЗ ЯПРОҚЛАРИНИ...



Кўнгил кушлари (Туркумдан)

Ногоҳ туман тугди ҳавони, Ногоҳ дилни кезар дарабдор. Мен ўзини қайта қўярдим, Булмасангиз ёнида агар.

Бул кўнгни кўрнимас душман, Бул кўнгни кўрнимас дўст ҳам. Мен кўнгни қайта қўярдим, Булмасангиз кўнгни малҳам.

Жоним битта, сиз ҳам биттасиз, Жондан, сиздан булмасан жудо. Мен жонимни қайта қўярдим, Агар сизни бермаса худо...

Мен дунёнинг белдаҳида Чайқалиб хў-ўп тебранган юкман Қанча сураб кўнгни ўзимдан Ўқ, барибир ўзимда йўрман.

Тик турганча ухлар дарахлар, Баладиларда моҳ ҳам панасиз. Буғча нозик, нотавон қимса, Озор берманг дилга яна Сиз...

Хотиралар гижимлар толмай, Кузак дардчил мултирар қимга. Бир оғиз, бир гапни айтолмай, Жондайлик телеграф сизга...

Шундай ўтар гўё минг йилим, Гўё минг йил тўлмайд дентиз. Вилгил келар қимни, севгилни. Севмоқ учун яралгандингиз?!

Эҳтимол келмасиз, энди барибир, Энди турналар ҳам видолар айтар. Менгиз қора қийған нотавон дилим, Омир эзингизда Китобга қайтар...

Балки сал адашдим, хатолиқ ўтди, Хушида яланғоч боғлар тегираб.

Аёл қалби кечималарини ўзига хос пардаларда ифода-лаш, тугилиб ўсган қадимий Қашқадарё одамларига, таби-яга муҳаббат Инобатнинг шеърларида ўз маънавий қиёфа-сини мўжассам этади.

Инобат шеъра сифатида кўпм ўзини намойиш этавермай-ди. Лекин шеърларини ўқиган киши ижоддорлар орасида унинг ҳам ўз овози борлигига амин бўлади. Шонравинг «Со-лимч соҳили» номли илтифатли китобини кўришга тавон-ди. Ҳозирда нашрга тайёрланган «Ўттизичи уй» номли мажму-асига Инобатнинг кейинги йилларда ёзган шеърлари кир-тилган.

Инобатнинг насби — журналист. У ҳозир Ўзбекистон ойнав маҳорининг сиёсий қўрсатувлар таҳририятида катта муҳаррир.

Ўн саккиз... ўн тўққиз... йигирма... кутдиз, Ҳар кун тушларимга оқ тулпор қираб.

Вилмасдан ўқ отар тулпоғга кўзим, Олис хотирани титиб кетар вақт. Мен қарши эмасман... ўзимни ўзим, Ўзиб қўйолмайман пешонамга бахти...

Олти ой бўлибди она, кўрмадим, Ёнида на сиз бор ва нада отам. Бориб кўролмадим, бир ҳол сўрмадим, Нияти юракларга интилар одам.

Безовта ўйларни қузатар олам, Ишилди дадаси узаганида. Этанги тортади қичқина болам, Энг сўнгги поезд ҳам жунаганида.

Эрибди сўяман, қорақўз ўғлим, Бир зумда қолмасин ўз онасидан Олти ой бўлибди қичқи келиман, Туғилган уйимнинг остонасидан.

Қизил қўйлак ҳилпираб турар, Ориқ қўллар кўзга соябон. Вокзал узра тегираб юрар, Дашт шамол сарсон-саргардон.

Тўшминиди, ўнгимни бу — из, Шивирлайди: «Энди қайтаман? Ишонвер, жон Шаҳрисабз, Сизга сирларини айтаман!..»

Дарвозадан умрим, ўтар, Оқ либосга бурнанади ел. Ҳовли шатқ кимидир кутар, Қам бўлсанг ҳам яхши етиб кел.

Анқорнинг устидан ўтган туманлар, Оҳ урар, оҳлари йўлга сиймайди. Адашган туманлар, йитган туманлар, Боғларга бошини қўйиб йиғлайди...

Маданият янгиликлари

БИР БОР ЭКАН, БИР ЙЎҚ ЭКАН

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замон-да... Йўқ, қадим-қадимда эмас, шу кунларда юрти-мизнинг олис қишлоқлари-дан бирда бир оила яшар экан. Оила мома, фарзанд, келин, набиралардан ибор-ат. Худо одами кенсайга-нида хор қилмасин экан. Кенса мома фарзандлари-нинг (келин ҳам фарзанд-ла) жонига тегибди. Улар модоман кутулмоқчи бўли-шди. Кутилишининг ўзига хос йўлини ҳам топишди: фарзанд уни овлоқ жойга ташлаб келибди...

Бир бор экан, бир йўқ экан... гарчи гап эртанмо асар ҳақида кетса-да, ҳар замон-ҳар замонда эртан йўлинидан чекинчи туршига тўғри келди. Хуллас, кунга кеча Ўзбекистон телевиде-ниеси томошаниларга ра-бийтига (тайёр сценарийга-гина эмас) мурожаат қилиб, Холмирзаевнинг ҳикояси асосида суратга олинган «Қадимда бўлган экан...» видеофильмида ифода этил-ган. Юқоридаги баён ана шу гапнинг воқеанинг мух-тасар мазмуни.

Шукур Холмирзаев — ўзига хос ёзувчи, ҳеч қимга ўхшамайдиган, ўзига хос феълли-хўйли одам. Асар-ларида етти ухлаб тушин-гизга кирмаган воқеаларни, вазиятларни топади, қаҳ-рамонларини шу вазия-тларда ҳаракат қил-дириб, сизни бу вазиятлар-га ҳам, юз бераётган воқеа-ларга ҳам, қаҳрамонлари-нинг хатти-ҳаракатларига ҳам ишонтиради. Унинг асарларидан яна бир нарс-а — юртимиз, халқимизга хос, аммо кўпчилига нота-нишроқ урф-одат, манзара, феъл-хўй, хуллас — унут бўлиб кетаётган галати бой-лиқни топасиз.

Ўзбекистон телевидение-сининг бевосита ўзбек ада-бийтига (тайёр сценарийга-гина эмас) мурожаат қилиб, унинг энг яхши намуналар-ини миллионлаб томоша-бинига ҳади этаётган (итоби-ни ҳамма ўқимас, телеви-зорни ҳамма кўради) Мақ-суд Юнусов, Маҳкам Муҳа-медов, Жаҳонгир Қосимов сирлари иқтидорли режис-серлари қаторига Абдунаби Разақов ҳам қўшилди. Бу ва бизнингча, яхши бўлиб-ди. «Осилсанг, баланд дор-ди» қабилда иш ту-тиб, яхши ёзувчининг эга-дидан тутгани бу фикрни исботлар.

Бу мулоҳазалар — видео-фильмга тақриз эмас. Ма-данний ҳаётга янглик (ҳа-қиқий янглик) кам бўла-ди. «Қадимда бўлган экан...» — ана шундай кам учрайдиган янглик сифати-да эътиборни тортган эди. Шу ҳол эътироф этиляпти, холос. Тақриз ёзилганида, режиссернинг бу ҳикояга қўл уриш жасоратидан тор-тиб, асардан айрим яхши саҳналар (масалан, қизил чекитнинг кўрбони ўйига келиб, Кўрғон ўқини) уйга келтирилган дурут танланган сингари ютуқларини таъкидлаган ҳолда, йўл қў-йилган камчиликларга (га-ражадги ҳангомаларнинг ор-тиқчилиги, мома хотирани-нинг ҳам қай даражада ке-рак-керакмаслиги масаласи, тилга эътиборсизлик (чунон-чи, «деб эди» деб гапир-адиган келиннинг «борла-ринг» дейиши...) ҳам тўхтал-ган бўлур эдик, албатта...

Мазкур видеофильм ҳа-қида гап кетганда, уни су-ратга олган операторнинг маҳоратини алоҳида айтиш зарур эмас. Бу видеофильмда кадрлар, қаҳ-рамонларнинг йирин ва йи-роқ қиёфаларидан ташқари, манзаралар, шунчалик манзара эмас, улар асар мазмуни, қаҳрамонлар кай-фиятига ниҳонда уйғун. Бу манзаралар сизни расмом-лар кўргазмасига етаклаб кетгандай бўлади...



ҚАДИМИИ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ХИВА Қ. ОТАБЕВ тасвири.

ЭЪЛОНЛАР

«СТАМОСЕРВИС» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар тишингиз қаттиқ оғриётган бўлса, уни даволаш учун эса бормашинадан қўраётган бўлсангиз ҳеч иккиланмай «Стамосервис» хусусий тиш даволаш клиникасига мурожаат қилинг. Клиника Буюк Ипак йўли, 428-уйда жойлашган (ТТЗнинг тиббий санитария қис-ми билан гастроном оралиғида).

Бу ерда шовқинсиз немис борма-шинасидан фойдаланилади. Тишлар ультратовуш билан олинади, плом-балар Япония, Америка ва Чехия хом ашёларидан тайёрланади. Оғиз-даги турли касалликлар давола-нади. Чет элларда ишлаб чиқарил-

ган энг зарур дори-дармонлар эъти-борингизга ҳавола этилади. Сизга Германияда тайёрланган пластмасса, чинни ва металлоче-рамка тишлар ёки «Буран» юл-дузлараро фазо кемасини ясаида ишлашга қўйилган металлдан кўз олдингиздаги печларда қўйилган тишларни қўйиб берамиз. Манипуляция вақтида Сиз ўзин-гиз ёқтирган қўйларни тинглаш ва бир пиёла чай ёки кофе ичганингиз мумкин. Шу шароитларнинг ҳаммаси жу-да арзон нархлардадир! Телефонлар: 64-39-16, 69-89-65.

«Ўзқурилишконструкция» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳу-зуриндаги Бухоро шаҳрида жойлаш-ган «6-темир бетон буюмлари ва конструкциялари» ишлаб чиқариш кооперативи қайта ташкил қили-ниб 1993 йил 29 октябрдан Бухоро 6-темир бетон буюмлари ва конст-

рукциялари давлат корхонасига ай-лантирилди. Давтвора эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қайта тузилган корхона маъмурияти то-монидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: 705014, Бухоро шаҳри, Промышленная кўчаси, 4-уй.

Спорт Спорт Спорт

МУНОЗАРАГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

«Навбахор»: О. Сироквашко, М. Байрамов, С. Тур-сунов, У. Раҳимов, Р. Раҳимов, В. Келдиев, Н. Роме-нчин, Ф. Хабидуллин, Е. Ералиев, Қ. Абдуқодиров (Ю. Ярошенко — 62), Г. Скрипник (Т. Мадрасимов — 60). «ПАХТАКОР»: П. Вугало, М. Алиев, Ф. Магомедов, М. Қосимов, Ҳ. Эргашев, И. Шарипов, Н. Ҳасанов, Э. Назаров, А. Маъруфалев, Р. Галиев, И. Волков. Тўплашлари: Н. Ҳасанов (60), М. Қосимов (77), Р. Га-лиев (90) киритишди.

85-дақиқада Ф. Магомедов иккинчи марта оғдолан-тирилади ва майдондан чиқариб юборилди. ЭРТА баҳорда бошланган футбол мавсуми Ўзбекистон билдур совринининг финал учрашуви билан якунланди. Финалда ўтган йилги бил-дур соврин соҳибони («Нав-бахор») билан чемпион («Пахтакор»), шунингдек бу йилги мавсумнинг «кумуш» ва «бронза» медаллари эга-лари учрашишди. Табикини, бу футбол мухлисларида катта қизиқиш уйотди.

Учрашува тенг кураш бў-лиди. «Пахтакор»никига нис-батан «Навбахор»нинг ҳу-жумлари хавфли кечди. Дастлабки дақиқалардаёқ жамоанинг тўпулари Фа-рид Хабидуллиннинг узоқ масофадан тошенткилар дарвозаси томон тепган куч-ли зарбалар тўпулари асда қолди бўлди. Аяниқса, 15-дақиқада Скрипник, Ха-бидуллин, Ералиев уюштир-ган комбинация Павел Вуга-лонинг маҳорати тўфайлига на бартафат қилинди. Шу лаҳзаларда «Навбахор»нинг иккинчи ҳаватдаги (яъни бош билан) ўйинида «Пахтакор»-

дарвозага йўлагандан сўнг содир бўлди. Шундан сўнг ўйин мазмуни ўзгарди. «Пахтакор» асосан ҳужумда ўйнаган бўлса, «Навбахор» қарши ҳужумга ўтиб турди. Ушбу услуб «бузилган» пайтларда эса дарвозаларга тўп киритилди. Яъни қар-ши ҳужумда ўйнаётган «Навбахор» ўйинчилар 75-дақиқада кетма-кет «Пахтакор» дарвозасига хавф солиб, ҳимояни уну-тишди. Натижанда Илҳом Шарипов Сироквашко бил-лан якмама-якка чиқди, ле-кин у тўпни орқароққа, жа-рим майдонига марказдан кириб келётган Қосимовга узатди. Миржалол эса и-мониятни қўлдан бой бер-мади — 2:0. Яна шунга таъ-кидлаш жоиз. Миржалол кубок ўйинларида дарвоза-ларга 17 та тўп (8 учра-шувда) киритиб ўзига хос рекорд ўрнатди.

85-дақиқада тошентки-лар сардори Фарход Маго-медов учрашувида иккинчи оғдолантиришни олиб, май-донни тарк этди. Майдонда 10 киши бўлиб қолишлари-га қарамай, сўнгги дақиқада тошенткилар учинчи тўп-ни ҳам киритишга муваф-фақ бўлишди. Уни Руфат Галиев маҳорат билан амал-га оширди. «Пахтакор», «Навбахор»га нисбатан куч-ли эканлигини ҳеч қимда шубҳа тудирмайдиган ҳи-соба мағлубиятга (3:0) уч-ратиб, исботлади.

Учрашувдан сўнг Ўзе-бекистон Республикаси Дав-лат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, Мил-лий олимпия вице-президенти Собир Рўзиев ғолибларга билдур совринини топширди.

Юлдузлар ҳаёти мураккаб

ПЕЛЕ... Бу ном дунёнинг барча бурчада маълум ва машҳур. Олтиминчи, ет-мишинчи йиллар футбол майдонидида маҳорати ту-дифайли жаҳон матбуоти са-ҳифаларида тез-тез пайдо бўлиб турган бўлса, айни кунда ҳам шундай. Лекин бу сафар...

Ҳа, гоҳида машҳурлик ҳам, шон-шараф ҳам киши-га панд беради. Машҳурлар-нинг ҳар бир қадами миң-лаб, миллионлаб ингоҳлар назоратда туради. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто Пе-леннинг ўйига ўғри тушгани-ни ҳам бутун дунё билди. Бу хабар газетадан газета-га, радиодан ойнав жаҳонга кўчиб, бутун дунёни кезди. Сал ўтмай жаҳон матбуо-ти Пеленинг ёшидаги «ро-ман»лари ва унинг оқибати-да пайдо бўлган қизи, шу иш юзасидан футбол қиро-лининг иши судга оширил-ганлиги ҳақидаги хабарни бир-бири билан мусобақа-лашиб шарҳлади.

сўнгги никоҳини шарафла-ди. Унинг қайлиги Алессия эса Бразилия гўзалидир.

Айни кунда футбол «юл-дуз»нинг иши яна судга қўрилигани ҳақида хабар тарқалди. Бу сафар Пелени Американинг «Интерсейл» спорт лимитид» компанияси шартномаи бузганлигида айбалаб судга берди. Маълум бўлишича, бу компания «Пе-леннинг футбол дунёси» ном-ли бир неча қисмли теле-кўрсатув тайёрлаш юзаси-дан жаҳоннинг уч қарра чемпиони билан шартнома тузган. Айни дамда Пеле бошқа телекомпания билан ҳам шартнома имзолаб, Бра-зилиядан ташқаридаги теле-дастурларда қатнашини рад этиш ҳақида ўйлаётган-ди. Лекин айнан шу «ноқу-лайлик» учун Америка те-лекомпанияси футбол қиро-лига миллион доллар ваъда қилган. Фирманинг даъво қилишича, Пеле 96 миң долларни аванс сифатида олган.

Яқинда эса жаҳон Пеле-нинг 50 ёшдан ошгандан Р. ЖУМАЕВ.

PASSAR MADAG advertisement with image of a machine and text describing its features and contact information.

Advertisement for 'ПАССАТ' - БУ СИЗНИНГ МАБЛАГИНГИЗ! with contact details and a list of services.

Халқ сўзи Народное Слово advertisement with contact information and a logo.

Муассислар advertisement listing names and roles of the organization's members.

Таҳрир ҳайъати advertisement listing the editorial board members.

Манилимиз advertisement listing names and roles of the organization's members.